O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 14 IYUL ◆ SHANBA ◆ № 81 (26.783)

МАРРА

МЕҲНАТга ЯРАША ХИРМОН

Сув тақчиллиги шароитида ҳам бухоролик ғаллакорлар ўз сўзларида ҳаққоний тувор бўлдилар. 60 минг гектар майдондан 125700 тоннадан зиёд дон йиғиштириб олиниб, шартнома режаси уддаланди. Зеро, ўн битта тумандан еттитаси давлатга дон сотиш режасини бажарди, холос. Ғолиб туман — Вобкентда 15446 тонна, Бухоро туманида 13320 тонна дон давлатга сотилиб, ҳосилдорлик 40 центнердан оширилди.

Ғаллачиликда тажриба мактаби яратган Бухоро туманидаги «Ўрта Осиё» ширкат хўжалигида ҳар гектар ердан 61,4 центнер, «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 58 центнер, Шофиркон туманининг чўл ҳудудидаги «Бухоро» ширкат хўжалигида эса 46 центнердан ҳосил олинди.

■ (Ўз мухбиримиз)

ХДП ХАБАРИ

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТ

2001 йилнинг 11 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Японияннинг «Асахи» газетаси махсус мухбири Кида Такаши ва газетанинг Москвадаги бюроси мухбири Сергей Власов қабул қилиндилар. Японияннинг йирик матбуот нашри мухбирлари билан бўлиб ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партия ва унинг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди ҳамда меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Марказий Кенгаш котиби Аслиддин Рустамов ва бошқа масъул ходимлар қатнашдилар.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ДАРСЛИКЛАР ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

«Ўзбекистон» нашриётининг барча ходимлари жорий йилнинг ўзидаёқ республика мактабларини етарли дарсликлар билан таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Хусусан, нашриёт ўзбекча дарсликлар чоп этиш билан бирга қозоқ, рус, қирғиз ва тожик тилларида ҳам китоблар нашр қилишни тезлаштирмоқда.

«Ўзбекистон» нашриётининг тожик бўлими мудири Ҳикмат Ҳикматовнинг айтишига қараганда, аллақачон ўттизга яқин дарсликлар босилиб, мактабларга тарқатилган. Шунингдек, «Меҳнат» нашриёти ҳам дарсликлар чиқаришда кўмаклашмоқда.

■ Фаридун АҲРОРОВ

«ИНТЕРНЕТ — ФОРУМ»

Диққат! Диққат!

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати,
- Маданият ишлари вазирлиги,
- Фан ва техника давлат қўмитаси,
- Ўзтелерадиокомпания,
- Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги,
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги,
- БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси,
- «UzPAK» миллий интернет компанияси,
- «eSezam.com» Интернет портали

шу йилнинг 7 сентябрида Биринчи Миллий Интернет фестивали доирасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Интернет — Форум»ни ўтказади!

«ИНТЕРНЕТ — ФОРУМ»НИНГ БОШ МАҚСАДИ:

■ Интернет тармоғида Ватанимиз тарихи, бугунги куни, улкан салоҳияти, сиёсий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни янада кўпайтириш ва дунёга кенгроқ таништириш;

■ Энг яхши миллий ахборот ресурслари ва маҳсулотларини тарғиб қилиш;

■ Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият кўрсатаётган истеъдодли мутахассисларни рағбатлантириш.

«Интернет — Форум» шартлари ҳақида тўлиқ маълумотни ташкилий қўмита ишчи гуруҳининг 144—34—14 рақамли телефони орқали ёки «Интернет — Форум»нинг www.UzPAK.Uz серверидаги Web — саҳифасидан олишингиз мумкин.

«Интернет — Форум»да Ватанимиз ҳақидаги энг яхши интернет-ресурслар муаллифларини мукофотлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади. «Интернет — Форум» ғолибларига диплом ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо компьютер техникалари тақдим этилади.

«Интернет — Форум» ташкилий қўмитаси

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



ЮРГАН ДАРЁ...

ҚЎШ ҒИЛДИРАКДА ДУНЁ КЕЗИБ

Таҳририятимизга «Ўзбектуризм» компаниясидан сим қоқишиб, ажнабий сайёҳнинг Ўзбекистонга ташриф буюргани ва у мухбирлар билан учрашмоқчи экани ҳақида хабар қилишди. Билсак, у швейцариялик сайёҳ Бруно Блум экан. Шундай қилиб, сайёҳнинг айтганлари хусусида.

Бруно Блум ёшлигиданоқ спортга, айниқса, мотоспортга қизиқиб юрарди. Унинг «хобби»си дунёда чиқарилаётган янги мотоциклар ҳақидаги ранг-баранг расмларни тўплаш эди. Бу иштиёқ бора-бора уни ҳақиқий мотоциклчи бўлиш ва узоқ сафарларга чиқишга жалб этди.

Брунонинг орзуси мотоциклда Ер юзини кезиб чиқиш эди. У мақсадини амалга оширишга киришганида эндигина 21 ёшли йигитча эди.

Дастлабки саёҳат Европа — Африка йўналишида бўлди. Бу саёҳат уни нафақат тобладi, балки ҳақиқий мотосаёҳатчи қай даражада чидам-бардошга эга бўлиши кераклигини ҳам англатди. Икки ой давомида жазирама қитъада ҳафталаб тортган азоб-уқубатлари, бепоён қум барханлари орасида қолиб, сувсиз чеккан азиятлари биргина ўзига маълум. Бу саёҳат давомида унинг ёлғиз ҳамроҳи, айни пайтда халоскори «Ямаха» русумли мотоцикли эди.

Тажриба орттириш ҳамда чиниқиш мақсадида ўтган қисқа саёҳатдан кейин у энди жаҳон бўйлаб сафарга чиқишни кўзлай бошлади. Барча тайёргарлик ва синовлар поёнига етгач, Бруно узоқ сафарга, ўзи орзу қилганидек жаҳонни кезиб чиқиш мақсадида 1994 йил Ватани — Швейцарияни тарк этди. Саёҳатлар ишқибози Австрия, Голландия, Чехия, Польша, Беларус, Россия, Қозоғистон, Монголия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Бангладеш, Малайзия, Сингапур, Австралия, Янги Зеландия, Америка, Канада, Мексика кенгликларини мотоцикл ғилдиракларида кезиб чиқди. Бруно қайси давлатга борса, дарҳол ўша мамлакатнинг кўзга кўринган матбуот нашрлари билан боғланишга ҳаракат қилади. Ер юзининг қайси нуқтасида бўлмасин, Швейцарияда чиқадиган «Мотор Спорт Швейц» журналига ўзи гувоҳ бўлган воқеалар хусусида мақолалар жўнатиб туради. Яна бир қанча нуфузли матбуот нашрлари Брунонинг «саёҳатлар қундалиги»дан баҳраманд бўлишди.

1998 йилгача чўзилган саёҳатдан сўнг — кўнгли яна саёҳатни тусай бошлади. Ғаройиб саёҳатлар илинжи 2 ярим ойча бурун уни тағин Швейцарияни ташлаб чиқишга мажбур қилди. Бу сафарги йўналишлар харитасидаги номлар ўтган галгидан кам эмас.

— Саёҳатнинг ўзига хос ташвишлари жонингизга тегмадими? — сўраймиз ундан.

— Йўқ, асло, — жавоб беради у. — Қайтага йўллар мени оҳанрабодек ўзига чорлайверади. Қизиқишим сусайса ҳаётимнинг мазмунини йўқотгандек ҳис қиламан ўзимни.

— Юртимизнинг қаерларида бўлишни хоҳлардингиз?

— Азалдан Шарқ Ғарбда машҳур бўлиб келган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларингиз мени кўпдан буён қизиқтириб келарди. Насиб қилса, сафарим давомида бу гўзал шаҳарларни бориб кўриш орзуим бор.

— Ўзбекистон тўғрисида сизнинг юртингизда қандай фикрлар юради?

— Швейцарияликлар, умуман Европада юртингизни ниҳоятда меҳмондўст мамлакат сифатида билишади. Мана, насиб этган экан, бу гўзал диёрни кўриш, одамлари билан бир ҳаводан нафас олиш менга насиб этди. Бундан жуда бахтиёрман.

Бруно Блум юртимизни бир ҳафтада кезиб чиқмоқчи. Кейин Қозоғистон, Владивосток орқали Японияга, сўнгра Америка ва Канададан ўтиб ўз ватани Швейцарияга қайтиб боради. 24 апрелда бошланган учинчи саёҳат тахминан октябргача чўзилиши кутилмоқда.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

БИРИККАН ХАЛҚ АДАШМАС

Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

Баъзи одамларни сокин дарёга ўхшатишади. Юздаги вазминлик, хатти-ҳаракатдаги босиқлик, бир сўз билан айтганда, самимий феъл-атвор, кишиларни мафтун этишлик фазилати билан ички бутунлик, мукаммаллик уйғунлашган одамлар эл-юртнинг назарида бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, қорақалпоқ халқининг фидойи ўғлони, дунё адабиётида ўзига хос мавқега эга Тўлепберген Қаипбергенов том маънода миллатпарвар шахс, собиқ империянинг суронли йилларида халқ дардини дадил олиб чиққан адиб. Оқсоқол адибнинг уч жилддан иборат «Қорақалпоқ достони» қорақалпоқларнинг қадим илдизидан тортиб то бугунигача бўлган ҳаёти акс этган йирик адабий манбадир. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида муҳтарам ёзувчимиз билан суҳбатлашарканман, буюк шахсларнинг нигоҳи уфқлар ортини кўради, уларнинг қалби ўз эли, она тупроғидан қувват олади, деган фикрга келдим.

— Тўлепберген оға, ҳар қандай инсонга ўз орзу-умидларига эришуви учун нима мадад беради?

— Халқига суяниш, она-заминини ардоқлаш, миллати тарихини мукаммал билиш, шу билан бирга юртидан айрилиш бахтиқаролиг эканлигини англаш туйғуси. Шундай тушунчага эга одамнинг орзулари юксак бўлади, деб ўйлайман. Ҳурлик, ободончиликка эришиш учун халқнинг катта-ю кичиги жипслашиши, бир бўлиши, ўй-ниятлар муштараклиги лозим. Эскидан қолган нақл бор: «Бўлинганни бўри ер», деган. Шўро замонида қорақалпоқлар ҳам ўзбек бирадари билан теппа-тенг зулм ва таҳқир гирдобида қолди. Айниқса, қорақалпоқларни биров сен кимсан, ҳолинг нима, аҳволинг қандай, деб сўрамасди. Халқ ич-ичидан эзилиб, тутаб борарди. Ана шундай қийин-қистовли паллада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов юрт истиқлоли йўлида халқни бирлаштирди, миллионлаб дилларга ишонч туйғуларини берди. Қорақалпоқ элининг ҳам елкасига офтоб тегди. Асрий изтиробларига истиқлол малҳам берди. Кучига куч қўшилди. Қатъияти ортди. Истиқлол қандай бахт, қандай саодат эканлигини қорақалпоқнинг кичкинтой болакайидан сўрасангиз ҳам айтиб беради. Шундай экан, мен озодликни инсоннинг онадан қайта туғилиши, инсоний қиёфага эга бўлиши, эркин нафас олиб, ўзини топиши деб биламан.

— Оға, Ер юзида инсониятни нима асраб колади?

— Аждодларга ҳурмат туйғуси, тарихдан тўғри сабоқ олиш қобилияти...

— Ёзувчи ўз асарида, ёзганларида қандай мезонни муҳим деб билиши керак?

— Ёзувчи ўзи ҳақида ёзади, ўзини тасвирлайди. Халқ бўлиб шаклланган, халқнинг бир бўлагига айланган ижодкор халқ юкини кўтариб, халқ номидан ёза олади.

— Инсон ҳаётининг безаги нимада?

— Ҳурликда, келажакка ишончда.

— Қандай халқ кучли бўлади?

— Китоб ўқиган халқ.

— Ўзбекистон танлаган йўлнинг асл моҳияти нимада?

— Тинчлик, барқарорлик, маънавий баркамоллик, иқтисодий равнақ мезонлари истиқлолнинг нурли ришталарига тизилганидан қувонмоқ керак.

— Сизни яна нима кувонтиради?

— Озодликда, ҳурликда туғилган болалар улғаймоқда. Келажак озод насллар қўлида бўлади.

— Ҳар бир халқ учун ҳаёт-мамот масаласи...

— Ҳурриятни қўлдан бермаслик, шу йўлда собит туриш...

— Ҳар қайси қалбда яна қандай туйғулар мавжланишини истайсиз?

— Яратган ҳар бир қалбни истиқлол нури билан кенг этсин. Ботинида ўзлик дарахти ўссин. Озодлик дарахтининг меваларидан бутун эл мангу баҳраманд бўлаверсин.

■ Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар ўқув курсига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05.

НАФОСАТ МАСКАНИДА

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан битирувчиларга бакалавр дипломларини топшириш тантанали вазиятда ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ҳам бўлиб ўтди.

— Бу мактаб хореография санъати бўйича олий малакали кадрлар тайёрловчи Марказий Осиёдаги ягона ўқув юртидир, — дейди олий мактабнинг биринчи проректори М. Очилов. — Нафосат маскани олий мактаб мақомини олганига 5 йил бўляпти. Аслида бу билим масканида мамлакатимизнинг доврўқли санъаткорларидан Мукаррама Турғунбоева асос солган «Баҳор» рақс дастаси қизлари камол топган. «Ўзбекистон», «Лазги», «Шодлик», «Тановар» рақс жамоаларининг қизлари ҳам шу ерда билим ва тажриба орттиришган.

Қизиғи шундаки, билим юртини битириб, саҳна юлдузи даражасига кўтарилган санъаткорларимиз ана шу олий мактабда қайта таълим олиб, дипломли бўлишмоқда. Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Суғдиёна Исроилова, Тамила Муҳамедова ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Феруза Рўзиеваларга дипломлар топширилди.

■ Хожа АКБАРОВ

BU DUNYONING ISHLARI

ПРЕЗИДЕНТ ТАСДИҚЛАЙДИ

Нихоят, узоқ баҳс-тортишувлардан сўнг Россия давлат Думаси «Милиция ҳақида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Бу сафар кўпчилик — 236 нафар депутатнинг розилик овози билан ўзгартиришларга эришилди. Бундай дейишга сабаб, янги таҳрир 3 маротаба қайта кўриб чиқилди. Биринчи маротаба овозга қўйилганда 18 та, иккинчисида эса битта қарши овоз билан қолдирилган эди. Россия қонунчилигига асосан бундай ҳолатларда энг камида 226 овоз тўплаш керак бўлади.

Ўзгартиришлар Қонуннинг 7 ҳамда 9-моддаларига киритилган. Унга асосан ички ишлар юқори органлари мансабдор шахсларини Президент мазкур вазифага тайинлайди ва вазифасидан озод қилади. Номзодларни эса ички ишлар вазири кўрсатади.

ГЕНЕРАЛ ҚАМОҚДА

Индонезия Президенти Абдурахмон Вохид мамлакат хавфсизлик кучларига миллий полиция хизмати бошлиғи, генерал Биманторони қамоққа олишни буюрди. Хабарларга кўра, армия ва полиция раҳбарияти парламентни тарқатиб юбориш ҳамда мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмани бажаришдан бош тортгач, у шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

ТУРКИЯГА ЁРДАМ

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Туркияга 1.5 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга қарор қилди.

ХВЖ ҳозирга қадар Туркияга жами 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит берган. Молиявий инқироз домига тушиб қолган бу мамлакатга ҳаммаси бўлиб 15.7 миллиард доллар ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

ТАШРИФ



Канада бош вазири Жан Кретьен Россияга келди. У Россия Президенти Владимир Путин ҳамда бош вазир Михаил Касьянов билан икки томонлама ҳамкорликка доир масалалар хусусида фикр алмашади.

BU DUNYONING ISHLARI

МИЛЛАТ ВА САНЪАТ

ҲАҚИҚИЙ ҚЎШИҚ ҲАЁТДАН БАЛАНД

Миллий эстрада ҳақида радио, телевидение, матбуотда кўп гапирилди, гапирилаяпти. Қўшиқларнинг савияси пасайиб кетаётгани, шеърларнинг саёзлиги, мусиқанинг бошқа халқ мусиқасидан кўр-кўрона кўчириб олинаётганлиги хусусида мутахассис ҳам, мутахассис эмас ҳам ўз фикрини билдираяпти.

Сўнгги йилларда кўплаб ёшлар катта саҳналарга чиқишяпти. Бу, албатта, яхши ҳодиса. Лекин сифат кўрсаткичи қай даражада? Менимча, бугун миллий эстрадамиз ўзини топиш жараёнида, шакл қидираяпти, мазмун ахтараяпти.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори чиқди. Демак, қўшиқчилигимиз катта ўзгаришлар, туб бурилишлар остонасида турибди. Ишни нимадан бошлаш керак, нималар қилинди ва қилиниши муҳим бўлган масалалар юзасидан бастакор Дилором Омонуллаевага мурожаат этдик.

— Мен бу қарорни кутган эдим. Ҳеч қайси, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам бу соҳага давлат томонидан бу қадар ғамхўрлик кўрсатилмайди. Қарорнинг, айниқса, икки жиҳати менга маъқул бўлди, яъни ушбу соҳада фаолият кўрсатадиган ижодий гуруҳлар ва якка-ҳон ижрочилар фақатгина «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан берилган рухсатнома(лицензия)лар асосида фаолият олиб бориши ҳақидаги ва эстрада жамоалари, якка-ҳон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида. Истардимки, кейинчалик бу банд чуқурлаштирилиб ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза этиш масаласига ҳам эътибор берилса.

— Маълумки, мумтоз қўшиқчилар эшитганни лоқайд қолдирмайди, қўнгилнинг қат-қатларига етиб боради. Шу ўринда қўшиқнинг умри ҳақидаги ўйларингизни билмоқчи эдим. Фикрингизни эстрада қўшиқчилиги мисолида ойдинлаштирсангиз.

— Эстрада йўқ жойдан бор бўлмаган. Унинг замирида ўзбек халқининг бой маънавияти, мумтоз қўшиқчилигимиз ётибди. Мен бир фикрни кўп бор қайтараман, ҳақиқий санъат ҳаётдан анча баланд бўлади. Лекин эстрадамиз ҳали баланд чўққиларни забт эта олгани йўқ. Саноқ жиҳатдан эмас, савия, сифат томондан. Сабабларими? Ёшларимиз енгил-елпиликка тобора ружу қўйишаяпти, ўз устларида ишлашмайди, ўқишмайди. Салгина овози бўлса, гуруҳ тузиб, концерт бериб ётибди. Ҳозир шундай овоз ёзиш студиялари борки, замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида йўқ овозни ҳам чиқариб, дискларни «ура-ур» сотяпти. Лекин катта давраларда фонограммасиз, микрофонсиз жонли қўшиқ айтиб кўришсин-чи! Бу уларнинг савиясини пасайтириб, яхши-ёмоннинг фарқига боролмасликка олиб келаяпти.

— Чет элларда мусиқа, сўз ўғрилари судга берилиб, жарима солинишини эшитганман. Агар Туркия, араб давлатлари, эронликлар бизнинг айрим хонандалар айтаётган «кўчирма» қўшиқларни эшитиб қолиса, уларни жаримага тортиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бизда нега бу масала ҳалигача ҳал бўлмаяпти? Муаллифлик ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

— Ҳақиқатан ҳам бу муаммо миллий эстрадамиз олдида кўндаланг бўлиб турибди. Ҳатто катта-катта, эл назарига тушган қўшиқчиларимиз ижодида ҳам бу каби салбий ҳоллар учраяпти. Лекин ҳозирча бу масала тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Биз катта саҳналарга чиқишни кўзлашимиз, бунинг учун эса халқаро муаллиф ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенциясига аъзо бўлишимиз керак. Бутун дунёда бу каби салбий ҳолларга қарши кураш эълон қилинган. Бизда ҳам чоралар кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

— Бастакор ва шоирлар ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтсангиз. Сиз кимлар билан ишлаясиз?

— Шеъриятни яхши кўраман. Китоблар ўқийман. Мумтоз шеъриятимизни жуда қадрлайман. Умар Ҳайём рубоийларига хор асарини ёзиш орзуси 1980 йиллардан бери мени қийнаб келарди, ниҳоят 1986 йилда орзуим ушалди. Кучли шеърларнинг мусиқаси ҳам кучли бўлиши керак, ижрочиси ҳам.

Бугун бу асар хор жамоалари репертуаридан ўрин олган, консерваторияда ўқув дастурига киритилган. Нодиранинг «Ёр керак ошиққа», «Жаҳондин кеч» ғазалларига романс-қўшиқ ёзишим осон кечмади, қанча йиллар изландим. Чўлпон, Сирожиддин Саййид, Гулчеҳра Муродалиева шеърлари мени илҳомлантиради.

Лекин шоир ва бастакор муносабатларини юқори даражада деб айтолмайман. Балки шунинг учун ҳам ҳар хил бемаза қўшиқлар кўпайиб кетаётгандир. Ҳозир кўп хонандалар ҳам шоир, ҳам бастакор бўлиб ижод этишяпти. Бастакор бўлиш осон иш эмас. Қобилият бўлиш билан бирга олий ўқув юртларини битирган бўлиши, катта-катта партитуралар ёзиб, бастакорлар уюшмасига аъзо бўлиш керак, хуллас, ўзига яраша машаққатлари бор. Қарордан кейин бу каби масалалар ижобий ҳал бўлади, деб ўйлайман.

— Миллий эстрадамиздаги салбий ҳолатларни йўқотиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Тарбияни болалар боғчасидан бошлаш керак. Яқинда Пўлат Мўмин шеърлари билан айтиладиган «Алифбе қўшиқлари» деган қўшиқлар тўпламим боғча-мактабларга тарқатилди, лекин у кам. Афсуски, боғчаларда мусиқа ўқитувчилари етишмаяпти. Борларининг ҳам билим даражаси юқори эмас. Мактабда ҳам мусиқа тарбияси бўйича дарсликлар бор, лекин улар замон талабига жавоб бермайди. Мусиқа дарслари жиҳозлар билан таъминланган хоналарда ўтказилиши керак. Лекин ҳозирча қишлоқларда бу масала муаммо бўлиб турибди. Ўзбек бастакорларининг асарлари чоп этилмаган, репертуарларининг ноталари йўқ. Агар шу каби мусиқага оид китоблар изчил чоп этиб турилса ўқиш ва ўқитиш жараёнида анча енгиллик туғиларди. Мумтоз қўшиқларга, умуминсоний мусиқа бойлигига болаларда ғўдаклигидаёқ меҳр уйғотиб борсак, менимча айни муддао бўларди. Яқинда Данияда бўлиб қайтдим. 6 млн. аҳолиси бор бу халқнинг 5 та консерваторияси бор экан, улардан биттасида замонавий эстрада йўналиши бўйича ўқитиларкан. Бизда эса консерватория 1 та, эҳтиёж эса катта. Эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик бўлимларига жуда кам ўрин ажратилган. Масалан, бу йил эстрада хонандалиги бўлимига атиги бешта ўрин берилган. Талаб-эҳтиёжни ҳисобга оладиган бўлсак бу жуда кам.

— Бастакорлар орасида аёллар жуда кам. Бунга сабаб нима?

— Аёл учун ҳамма соҳада ҳам оила, бола-чақа, рўзғор юмушларидан ортиб, бирор касбни эгаллаш осон кечмайди. Бунинг учун унда ирода, қийинчиликлардан қўрқмаслик билан бирга озгина омад ҳам бўлиши керак деб ўйлайман. Ҳар қандай истеъдодли, кучли аёл ё эркакнинг оиласи нотинч бўлса, ишида ўнгланиш бўлмайди.

— Профессионал бастакор, ижодкор сифатида ҳаётда ўзингиз учун қилган хулосаларингиз...

— Санъат шунақа катта кучки, у оммани орқасидан эргаштириб кета олади, шунинг учун ҳақиқий ижодкор ҳамма нарсага виждонан ёндашиши, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиши керак. Қўшиқчи бўлди, мен машҳур бўлдим, энди озгина дам олай дедими, тамом. У шиддат билан ўтаётган замондан орқада қолиб, энг ёмони бир ерда депсиниб қолиши мумкин. Мен буни жуда кўп катта ижодкорлар мисолида кўрдим. Мақсадга эришишнинг ягона йўли — ўқиш ва меҳнат.

■ **Суҳбатдош: ШАҲРИБОНУ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

Жиззах шаҳридаги «Ўзжизантеп» ўзбек-турк қўшма корхонаси тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган гилам ва гилам поёндозларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

— Қўшма корхонамизнинг ишга туширилганига беш йил тўлаяпти, — дейди корхона раҳбарининг муовини Шавкат Юсупов. — Айни кунларда жамоамизда 50 нафар йигит-қиз фаолият кўрсатаяпти. Бу ёшларга қисқа вақт ичида гилам ва гилам поёндоз тўқиш сирлари ўргатилди. Эндиликда ҳар куни бу ерда 90-100 квадрат метрлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг баракали ишлашлари, ишдан бўш пайтларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратилган.

Суратларда: **корхонанинг илғор ишчилари Шаҳноза Муродова ва Санобар Ахмуродовалар.**

ДАРЗ

МИННАТДОРЧИЛИК

Ҳурматли таҳририят!

Биз «Ўзбекистон овози» газетасини оиламиз билан биргаликда ўқиймиз. Унда чиқаётган мақолаларнинг таҳлилий, танқидий ва холислиги бизга ёқади. Сизларга мактуб йўллашимга сабаб бобом — биринчи гуруҳ ногирони Н. Тоғаевнинг Давлат божхона қўмитаси раҳбариятига газетангиз орқали миннатдорчилик билдириш истагида эканлигидир.

Бобом ўз ҳисобидан менга, яъни невараси Азизов Ваҳобжон номига 1991 йилда чиқарилган «Москвич» русумли автомобилни Сурхондарё вилояти Сариосиё матлубот жамиятидан сотиб олган. Мен Душанбе шаҳри (Тожикистон Республикаси) олийгоҳи талабаси бўлганлигим сабабли автомобиль ҳам ўша ерга рўйхатга қўйилди. Ўқишни битириб, ушбу автомобилни рўйхатдан чиқариб, Сурхондарёга қайтиб келдим. Автомобилни божхонада расмийлаштириш учун маблағимиз бўлмаганлиги сабабли тўловлардан озод қилишни сўраб Давлат божхона қўмитасига мурожаат қилдик. Ушбу мурожаатни тўғри ҳал қилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони бобом Н.Тоғаевга ёрдам берганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

■ **Ваҳобжон АЗИЗОВ, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани**

ХИЁНАТ ЮКИ

Қўшнининг деворига суяниб, шом чўкди. Хўжапоёнликлар кундузги ишларидан толиққанлари боис, бирор қимса итнинг ҳуришига парво қилмас, кўпчилик телевизор қаршисида мук тушганча томошага берилган пайт. Дўстмурод атрофи мевали дарахтлар билан ўралган ҳовлига қараб юраркан, Аломатнинг «Эҳтиёт бўлинг, тағин шарманда бўлмайлик, иложи бўлса, ўша шахмат доскангизни ҳам ўзингиз билан бирга ола келинг», деганидан кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Гилосзордан ўтганда унинг кўзи ланг очилган дарвозага тушди. Сўрида Ҳамидқул домла алланималарни ёзиб-чизиб ўтирарди.

«Бирор кун вақтлироқ ухламади-да бу бобой! Ёки ўғли Ўткиржонни кутяптимикин? Унда Аломат келишимга рози бўлмасди-ку?» Шундай ўйлар билан миясига чувалашганда ҳовлидан қора ит ўқдек отилиб чиқди. Жон ҳолатида «домла» деб додлаганини ўзи ҳам пайқамади.

— Киравер, сенга ўрганиб қолган-ку, қўрқма, тишламайди.

Ҳамидқул домланинг сўридан тушаётиб айтган бу гапи йигитнинг юрагига ғулғула солди: тағин кузатиб юрган бўлса-я?! Устозшогирдлигимизга путур етиб, кўп маломатларга қолсам-а. Нималар хаёлимга келяпти ўзи? Ишқилиб шарманда бўлишдан асрасин-да! Илгари Аломатнинг акасининг тўйида худо бир асраганди. Бугун ҳам эҳтиёт бўлиш шарт.

— Нимага серрайиб турибсан? Қани юр, сўрига чиқ.

Домласининг қистови уни сергак торттирди.

— Бир партия шахмат сурамизми, деб келсам, итингиз қўрқитди, — деди йигит тутила-тутила.

Улар сўрига чиқишди. Шу пайт Ҳамидқул домланинг келини — Адолат чойнак кўтариб келди. Дўстмурод эса унга эътибор бермади. Домла шахмат тахтасига доналарни ҳафсала билан терарди.

Ўйин кўп чўзилди, бундан Дўстмурод ич-ичидан қувонарди ва «Домлани қолдириш шогирд учун одобдан эмас-да», деб қўярди аҳён-аҳёнда.

Охирги партия дуранг бўлганида Дўстмурод Аломат кирган хонада чироқнинг ўчиб ёнганини пайқади: демак, ҳамма ишлар жойида.

«Меҳмон» домласи билан хайрлашиб, дарахтзор томон бурилди. Қўлтиғидаги шахмат тахтасини қийғос гуллаган ўрик шохлари орасига тиқиб, ўзига таниш дераза ойнасини оҳиста чертди. Уни Аломат очганда йигитнинг димоғига хушбўй ҳид урилди.

Баҳор тунининг ҳавоси ўзгарувчан-да. Боя ҳаво қандай очиқ эди. Мана, бирдан беқарор шамол турди. У ўрик гулларини ер билан битта қилди, шаррос ёққан ёмғир таъсирида дўкон пештоқида хира нур сочиб турадиган чироқ ҳам қовоғини юмди. Қишлоқни иккига бўлиб ўтадиган қумлоқ йўлдаги машинанинг зўриққан овозидан Аломат уйғонди. Ёнида ётган Дўстмуродни туртаркан, дераза ойнасидан ташқарига қаради: кимдир келяпти, ана у ҳовли орқасига бурилди, эҳ, Ўткиржон-ку!

— Туринг, шарманда бўлдик, эрим келяпти!

Дўстмурод ярим яланғоч ҳолда ўрикзорга ўзини урди. Ғира-ширада кўзи Ўткиржонга тушди, жон ҳолатда қочди. Шу боис у шахмат доскасини унутган эди. Аломатнинг хонаси орқасидаги ўрик шохига тиқилган шахмат тахтаси шамолда ерга тушиб, доналари сочилиб ётар, ёмғирдан тўйган ерда эса бегона излар бўртиб кўринарди...

Ҳамидқул домла бу иснодни кўтаролмади, юрак хуружи авжига чиқди. Наҳотки, ўн бир йил мактабда ўқитган, бугун эса бирга ишлаётган шогирди нопоклик қилди. Келини-чи? Эрига хиёнат қилди! Қандай кўргулик бўлди бу? Қишлоқда қандай бош кўтариб юради энди?

... Домлани тупроққа топширишганда мактаб жамоасининг боши хам, тирик етим қолган икки қиз ва бир ўғилнинг ўз онасига бўлган нафрати янада алангаланарди. Солиҳа опа эртаю кеч келинини қарғар, унга ўлим тилар, бўйи чўзилиб қолган неваралари тақдири ҳақида ўйлаганида дунё кўзига тор бўлиб кетарди: илоҳо, кун кўрмагин Дўстмурод! Бир бурда нонга зор, ҳар ерда хор бўлмасанглар асло рози эмасман!..

— Тумандан олиб келинган беморнинг аҳволи қалай?

— Ҳарорати баланд, жароҳатиям анча оғирроқ, — бош врачнинг саволига жавоб бераркан, ҳамшира хўрсиниб қўйди. — Ҳеч ким сўроқлаб келмади-я? Гапирадиган бўлсаки, саволларимизга жавоб топсак.

— Ойдеккина бўла туриб, жонига қасд қилганига ҳайронман, — деди бош врач. Сўнг: — Кўзқулоқ бўлиб туринг, — деб тайинлади.

Ихчамгина оппоқ хонада иккита кроват. Бирида ёши олтмишлардан ошган аёл, иккинчисида эса кулча юз, бодомқовоқ, қошлари тим қора Аломат ётарди. У тез-тез инграр, афтидан ичида аланга ёнар, унга дош беролмай қийналарди. Ҳамхонаси унга афсус-ла боқиб, юпатарди:

— Ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Худо хоҳласа, яхши кунларни кўрасиз, қизим.

«Эҳ, бу аёл менинг кимлигимни қаердан билсин. Гуноҳга ботган банда бўламан, деб айтишга забоним йўқ, — ўйларди Аломат. — Тилим уксусдан нимтанимта бўлмаганида эди... Барибир орқамдан сўраб келадиганларим йўқ! Бор эди, уларнинг юзини ерга қаратдим. Кўнгил деганининг кўчаси кўп бўларкан, адо этди. Йўлдан оздирган, олма бўлиб қўйнимга кирган илон эса мендан тонди. Борлиғимни бергандим, ўша белафз, бебурдга. Қалбим тўрини очдим. Болаларим мени кечирармикин? Йўқ! Хиёнатнинг юки шунчалик оғир эканлигини мен вужудимдан ўтказаяпман ва чиқай деб турган жоним ҳам ифлос танамдан жирканмоқда. Ахир, бир ёстиққа бош қўйган эрим шубҳа ва гумонлардан озор чекканди, охир-оқибат судда «Ит ялаган косадан таом емайман энди», деб туриб олганди, ҳар бирини юрагим остида авайлаб, дунёга келтирганим — фарзандларимнинг қайси бири эримданлигини ошкор қилолмаслигим мени сўнгги қарорга келишимга сабаб эмасми? Ҳаммасини энди ўзим билан у дунёга олиб кетсам керак».

Аёлнинг танаси алангаи оташ бўлиб ёнар, у бу оғриққа бардош берар, тишини тишига босар, фақат инграр, яна оғриқ зўридан ҳушидан кетарди. Яна ҳушига келгач, энди у тан жароҳатини сезмас, лекин юраги ёнарди. У икки дунё оралиғида муаллақ осилиб турганга ўхшарди. Энди у виждон азобидан тўлғанар, бу вужуд оғриғидан-да оғир эди.

Аломатнинг кўзлари чарақлаб очилди. «Оҳ! Оҳ, жоним!» Жим қолди. Сўнг оғир-оғир нафас олди. «Худойим, ўзинг кечир, қилган гуноҳимдан бандаси ўтмаса-да, эй, тангрим, ўзинг кечир, даргоҳингга қабул қил... Гуноҳкор бандангни...» Аёлнинг энди вужуди азобланмас, виждони ҳам қийналмасди. Хиёнатнинг оғир юки эса аёлнинг руҳи ортидан таъқиб этиб борарди...

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Асака туман кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Мўътабархон Қаҳҳорова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, лавозимидан озод қилинди. Асака туман ҳокимлиги масъул ходими вазифасида ишлаб келган Фарҳодбек Холиқов ХДП Асака туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби С. Раҳимов Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади.

Пленум ишида Асака тумани ҳокими Т. Ёқубов иштирок этди.

* * *

Шунингдек, ўтган ҳафтада ХДП Китоб ва Бухоро туман партия кенгашларининг ҳам пленумлари бўлиб ўтди. Уларда, партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Хатирчи туман партия кенгаши ташаббуси билан, тумандаги Бизнес мактабида, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзуидаги, «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Суҳбат иштирокчилари туман партия кенгаши «Маънавият» маркази мудири Мамашариф Махатов, олий тоифали ўқитувчилар Сайёра Шукурова, Эркин Содиқов, Раҳматилла Жўрақулов ва бошқаларнинг чиқишларида, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда ёшлар ўртасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш масалалари юзасидан, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

Чортоқ туманидаги Қорабоғ қишлоғида жойлашган «Шодлик» болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқараётганларнинг 270 нафарини қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар ташкил этади. Яқинда ХДП Чортоқ туман ташкилоти фаоллари меҳмон болаларни ширин-шакар мевалар билан йўқладилар.

* * *

Чортоқ туман маданият бўлими бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан, кутубхоначи аёллар ўртасида, «Маънавият маликалари» мавзуида, кўрик-танлов ўтказилди. Унда ХДП аъзоси Мадина Дадамирзаева ғолибликни қўлга киритди.

* * *

Андижон шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан, шаҳардаги Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ҳамда жорий йилнинг 26 майида қабул қилинган, «Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндаларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати» муҳокамасига бағишланган, йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Ҳайдаров, «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими раҳбари А. Абдуғаниев, шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Ҳ. Қобуловлар чиқишлар қилдилар.

* * *

ХДП Ҳамза туман кенгаши томонидан, «Кумушкон» дам олиш сиҳатгоҳида, бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокидаги, кўчма семинар ўтказилди. Аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда партия ташкилотларининг ўрни масаласига бағишланган ушбу тадбирда ХДП Ҳамза туман кенгаши биринчи котиби Ш. Файзиев, 1-уй-жой қурилиш комбинати бошланғич партия ташкилоти котиби Ю. Ибрагимов, «Ўзтрансмахсусқурилиш» ассоциацияси бошланғич партия ташкилоти котиби Ф. Икромов ва бошқалар партия ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини жонлантириш, шу жараёнда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари тўғрисида гапирдилар.

* * *

ХДП Чуст туман кенгашида, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари котиблари иштирокидаги, «давра суҳбати» ўтказилди. Унда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва камчиликлар ҳамда партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

Қарши шаҳар партия кенгаши, Қашқадарё вилоят 1-шифохонасида «Миллий истиқлол ғояси ва мафкура» мавзуида, тадбир ўтказди. Унда сўзга чиққан ХДП вилоят кенгаши котиби Р.Ражабов, фалсафа фанлари номзоди А. Равшанов, Қарши шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Муртазоев миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрни тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

***

Тошкент вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Дастурини (Янги таҳрир) тарғиб қилиш ҳамда ХДП ташкилотларининг мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш юзасидан чиқарган фармойиши бўйича Қибрай туман партия кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.

* * *

Тошкент вилоят партия кенгашида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 2001 йил 5 июнь сонларида чоп этилган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Суҳбатда вилоят партия кенгаши ижроия бюро аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари, мутахассис-ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

«Давра суҳбати»да сўзга чиққан вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Аъзамов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул ходими А. Исмоилов, вилоят судининг судьяси З.Абдураҳимов ва бошқалар мазкур қонун лойиҳаси жаҳон андозаларига жавоб беришини алоҳида қайд этдилар ва шу билан бир қаторда, уни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар бердилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

СОВҒАГА ФУТБОЛ ТЎПЛАРИ

Бекобод туманидаги «Ойбек» жамоа хўжалиги ҳудудида хусусий спорт клуби очилганига кўп бўлгани йўқ. Пеле Эдсон Арентес ду Насименто номи берилган мазкур клубнинг раҳбари Йўлдош Солиев куни кеча Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр Раҳимов билан учрашди. Юртимизда футболни янада оммавийлаштиришга йўл очадиган бундай хайрли ишни маъқуллаган бош котиб машҳур чарм тўп устаси номидаги спорт клубига 10 та футбол тўпини инъом этди. Энди Чаноқ қишлоғидаги болалар яйраб тўп тепадиган бўлишди.

■ **Раъно БАКИРОВА**

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Покистон раҳбарияти мамлакат қамоқхоналарида 1971 йилдан буён ҳибсда сақланаётган махбуслар орасида ҳиндистонлик аскарлар ҳам борлиги тўғрисидаги хабарни рад этди.

Мамлакат президентининг матбуот котиби Рашид Қурайший бу масала бўйича қамоқхоналарда махсус текширув ўтказилгани ва улар орасида ҳинд ҳарбийси чиқмаганини маълум қилди.

УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ғазо минтақаси ҳамда Қуддус шаҳри атрофидаги фаластинликларга тегишли турар-жой биноларини вайрон этаётгани учун Исроил ҳарбийларини қоралади.

Исроил бу хатти-ҳаракатлари билан минтақадаги вазиятни янада кескинлаштирмоқда, деди у.

БУ САФСАТА ЭМАС

ФОЙДАЛИ, ЛЕКИН ЗИЁНИ ҲАМ БОР

Бугунги тараққиётни уяли телефонсиз тасаввур этиш қийин. Буни кўпчилик билади. Негаки, тадбиркору ишбилармонлар учун қўл телефонининг фойдаси катта. Авваламбор у вақтни тежайди. Аммо унинг фойдасидан ташқари зиёни ҳам бор. Ундаги магнит майдонининг организмга таъсири ҳақида ҳозирча гапирмай қўя қолайлик-да, бошқа зарари тўғрисида тўхталсак. Машина ҳайдаётиб ҳам телефонда сўзлашишнинг зарари қанчалар улканлигини тасаввур қила оласизми? Афсуски, бундай ҳоллар республикамизда ҳам одатга айланиб бормоқда. Бир қўл рулда, бир қўл телефонда, кўзи йўлдаю ҳаёли суҳбатда бўлган ҳайдовчининг хушёрлиги сусаймаслигига ким кафолат бера олади?

Тўғри, уяли телефон деярли барча мамлакатларда оммалашган. Лекин, кузатувлар шундан далолат бермоқдаки, кейинги пайтларда ҳайдовчиларнинг телефонда сўзлашиб ҳушёрликни йўқотиши туфайли юз бераётган ҳалокатлар сони кўпайиб бормоқда. Шунинг учун яқинда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ҳайдовчилар учун рулга ўтирганда телефондан фойдаланиш тақиқланди. Энди полиция бундай ҳолга қарши курашни кучайтириши мумкин. Жазо 100 доллар миқдоридаги жаримадир.

Колумбия штати маъмурияти ҳам шундай қонун чиқариш масаласини кўриб чиқмоқда. У қабул қилинса, Вашингтонда ҳам Нью-Йоркдагидек қоида жорий этилади. Яна 19 штатда шундай қонун муҳокамада турибди. Яқин орада янги қонун АҚШнинг барча ҳудудларига тарқалиб кетса ажаб эмас. Ҳозир АҚШда 115 миллион киши қўл телефонидан фойдаланади. Бу ижтимоий фаол одамларнинг барчасида уяли телефон бор, деганидир. Сўровларда маълум бўлишича, уларнинг 85 фоизи машина ҳайдаётиб телефонда сўзлашиши аниқланган.

Гапнинг қисқаси, уяли телефоннинг ана шундай салбий жиҳати бор экан. Демак, борабора бутун дунёда Нью-Йоркдагидек қоида жорий этилиши ҳам мумкин.

■ **Умида ИСМОИЛОВА тайёрлади.**

DUSHANBA 16

1 TV

Телетомошабинлар диқкатига!.
Профилактика муносабати билан душанба, 16 июл куни «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.20 ТВ-1 намойиш этади.
15.35 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
16.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Мусиқий дастур.
16.40 «Қишлоқ ҳаёти».
16.55 ТВ анонс.
17.05 Экранда - телесериал. «Дон Кихот». 4-қисм.
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Бир жуфт қўшиқ».
18.35 «Суғурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20:25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
22.05 «Толеи ёруғ одамлар».
22.15 «Маънавият» дастури.
22.55 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 11-қисм.
23.20 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Динамо» (Андижон) – «Кеш кристалл».
23.50 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Кувноқ учрашув».
10.20 «Мульттомоша».
10.50 «Тошда битилган достон». Телефильм.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 Мусиқий лаҳзалар.
11.50 «Қоматингдан ўргилай». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 «Давр»-news.
13.10 «Қоматингдан ўргилай». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
14.00 Мультфильм.
14.10 Жаҳон жуғрофияси.
15.00 Ёзги таътил экрани. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
15.25 Кўғи гул уста.
15.50 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.
17.20 Ёшлар қуйлайди.
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Тоҳир Аҳмедов қуйлайди.
19.50 Дўппи тикдим ипаклари тиллодан.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.40, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.45 «Ғойиб бўлган қути изидан». Бадиий фильм 1-қисм.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

4TV

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Саратон».
19.00, 20.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «t˚ 36, 6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.25 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Клип-антракт».
17.20 «Рус экстрими».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Аншлаг» билан таътилда».
18.55 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.55 «Клип антракт».
22.10 Кинематограф. «Кичик автомобилнинг катта ташвишлари». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

Соат 16.55 га қадар профилактика.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 20.10 «Телеҳамкор».Фойдали газета. Метеохабар.
17.30 «Фантастик тўртлик». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Шанхай совғаси». Детектив. Бош ролларда Мадонна, Ш. Пен.
20.05 «Ошиқона».Мусиқий дастур.
20.40 «Клип-совға».Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Детектив Нэш Бриджес». Детектив.
23.15 «30-канал» юмор кечаси. «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти

14.00.22- «травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича докторантурага (кундузги) — 1 ўрин, аспирантурага (кундузги) 2001-2004 ўқув йиллари учун — 2 ўрин ва клиник ординатурага 2001-2003 ўқув йиллари учун — 3 ўринга танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар 2001 йилнинг 15 июлидан 15 августигача (30 кун) қабул қилинади.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 78-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 133-72-01, 133-12-35, 133-10-30.

SESHANBA 17

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Оиламиз оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.20, 12.30 ТВ метео.
9.25 «Ранглар жилоси».
9.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Беодоб». Мультфильм.
10.15 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
11.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.50 ТВ анонс.
12.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
12.35 «Меъмор». Қурувчилар телетанлови.
13.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 11-қисм.
13.40 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.
